

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

КАНГЛИБЕКОВ КУАТБАЙ ДАУЛЕТБАЕВИЧ

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ИҚТИСОДИЙ
ЖАРАЁНЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Канглибеков Куатбай Даулетбаевич

Профессионал таълим муассасаларида ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигини иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш асосида ривожлантириш..... 3

Канглибеков Куатбай Даулетбаевич

Развитие самостоятельной подготовки студентов в профессиональных образовательных учреждениях на основе проектирования экономических процессов..... 23

Kanglibekov Kuatbay Dauletbaevich

Development of independent training of students in professional educational institutions based on the design of economic processes 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

КАНГЛИБЕКОВ КУАТБАЙ ДАУЛЕТБАЕВИЧ

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ИҚТИСОДИЙ
ЖАРАЁНЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2022.3.Phd/Ped3807 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.ipitvet.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Худайбердиев Зайниддин Явқачевич
иктисодиёт фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Олимов Қахрамон Танзилевич
педагогика фанлари доктори, профессор.

Нуриддинов Баҳодир Собирович
педагогика фанлари номзоди, доцент.


Етакчи ташкилот:

Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” ___ соат дақиқадаги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил:100095, Ташкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (+99871) 246-92-17, факс: (+99871) 246-90-37, e-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz)

Диссертация билан Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100095, Ташкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (+99871) 246-92-17, факс: (+99871) 246-92-17).

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ кунни тарқатилди.
(2022 йил “___” _____ дақиқадаги _____ рақамли реестр баённомаси)


Р.Х.Джураев
Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш раиси, п.ф.д., академик


С.Ю.Анурова
Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш раиси, п.ф.д., профессор


А.Ш.Қодиров
Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш раиси, п.ф.д., доцент



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инсон капиталини ривожлантириш ва таълим орқали камбағалликни қисқартириш, камбағалликка қарши курашиш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш иқтисодиёт ва таълимнинг интеграцияси асосида амалга оширилмоқда. Профессional таълим тизимининг асосий вазифаси глобаллашув жараёнларининг ривожланиш босқичларида ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашдан иборат. Бунда, professional таълимнинг дуал шаклини, мустақил фаолиятни ривожлантиришга қаратилган таълим технологияларини татбиқ этиш иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ вазифалар ечимини топиш зарурияти туғилади. Ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигини иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш асосида ривожлантириш, professional таълимда ўқувчиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг инновацион шакллари ва интегртив методикаларини яратиш борасида илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳалқаро тажрибаларга кўра professional таълим хизматларини ташкил этишнинг бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий муаммоларини тадқиқ қилиш долзарблигича қолмоқда. Ривожланган хорижий давлатларнинг нуфузли илмий-тадқиқот марказларида (European Case Clearing House – ECCH, IMD) professional таълим муассасалари ўқувчиларининг моделлаштириш, лойиҳалаш, табдиркорлик, ўз-ўзини банд қилиш, мустақил фаолият олиб бориш компетенцияларини ривожлантиришнинг вариатив методикаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилаётган бўлсада, бу масала халқаро ҳамжамият диққат марказида турибди. Шу боис, professional таълимда ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигини ривожлантиришга қаратилган таълим технологияларидан, интерфаол таълим методларидан ва иқтисодий индикаторлардан самарали фойдаланиб, иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш ва professional таълимнинг халқаро андозаларга мослигини таъминлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Professional таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий тайёргарлиги мазмунини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил таълим фаолиятини тўғри ташкил этишдир. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сонли “Профessional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида professional таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус professional таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш”¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профessional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармони. www.lex.uz.

масаласи устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу нуқтаи-назардан ўқувчиларни мустақил тайёргарлигини иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш асосида ривожлантириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги 466-сон “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус professional таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Professional таълимни ривожланиш жараёни ва тенденциялари, мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш муаммолари Р.Х.Джураев, Ш.Э.Қурбонов, А.Р.Ходжабаев, У.И.Иноятов, З.К.Исмаилова, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, Ш.С.Шарипов, О.Х.Тўрақулов, Ж.А.Ҳамидов, Д.О.Химматалиев, Г.О.Эрназарова, О.А.Қуйсинов, С.Ю.Ашурова, О.А.Абдуқудусов, Қ.М.Абдуллаева, Ш.Ў.Қосимов, А.А.Хасанов ва бошқа педагог олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда professional таълимда ўқувчиларнинг мустақил таълимини ташкил этишда ахборот технологияларини қўллаш бўйича тадқиқотлар А.А.Абдуқодиров, А.Х.Абдуллаев, М.Арипов, Б.Бегалов, У.Бегимқулов, Ф.Закирова, Қ.Олимов, Н.И.Тайлақов, Л.Н.Шибаршова, С.С.Ғуломов, У.Юлдашев каби олимлар ва тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган.

Хорижий мамлакатлар олимларидан W.N.Chambers, U.Mangal, E.Johnson, J.M.Spector ва бошқалар таълим олувчиларга иқтисодий билим бериш, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик малакасига эга бўлишни таъминлаш ҳамда уларнинг мустақил тайёргарлигини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар олиб боришган.

Олиб борилган илмий тадқиқот ишлари таҳлили натижасида professional таълим тизимида ўқитиш жараёнини самарали ташкил этиш, ахборот-коммуникация технологиялари асосида мутахассисларни касбга ва ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигини иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш

асосида ривожлантиришга хизмат қилувчи ахборий-дидактик таъминотнинг асосий имкониятлари педагогик жиҳатдан тўлиқ ўрганилмаганлиги қилинмаганлиги мазкур муаммони тадқиқ этиш заруратини тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий ташкилот ёки таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг “Профессионал таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг дуал тизимини жорий этишнинг ўқув-меърий асослари ва методик таъминотини яратиш” (2019-2023йй) мавзусидаги грант лойиҳа дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади профессионал таълим муассасаларида ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигини иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш асосида ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигини иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш асосида мазмунан такомиллаштириш;

ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигининг иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш методикаси ва моделни такомиллаштириш;

профессионал таълим муассасаларида ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигининг иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш орқали иқтисодий, касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг ўқув-дидактик таъминоти такомиллаштириш;

курс лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида иқтисодий топшириқларни мантиқий кетма-кетликда бажаришнинг методик тизими ва зарурий компетенцияларни баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти профессионал таълимда ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигини ривожлантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети профессионал таълимда ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигини иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш асосида ривожлантиришнинг мазмуни, шакли, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мавзу бўйича илмий, фалсафий, психологик, педагогик ва услубий адабиётларни таҳлил қилиш, педагогик эксперимент, сўров ўтказиш, сўроқ қилиш, тест ўтказиш, мутахассислар ва ўқувчилар билан суҳбатлашиш учун амалий социология усуллари, ўз-ўзини баҳолаш ва эксперт баҳолаш усуллари, рейтинг, тажриба маълумотларини ўлчаш ва математик ишлов бериш усуллари, уларни тизимли ва сифатли таҳлил қилиш, кўп ўзгарувчан статистик таҳлил усуллари, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигининг иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш мазмуни бўлажак мутахассисларнинг ташаббускорлик, олдиндан кўра билиш, ўз фикрини исботлай олиш, касбий мукамалликка интилиш қобилиятлари ва математик-стратегик тафаккурни ривожланганлигини очиб берадиган рефлексия даражасини аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигининг иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш методикасининг прогностлаш, башорат қилиш босқичлари лойиҳавий қобилият ва ҳаракатларни ривожлантиришга мақсадли қаратилган экспоненциал, даражали функцияларни қўллаш ҳамда мақсадга йўналганлик, изчиллик тамойилларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

профессионал таълим муассасаларида ўқувчиларнинг иқтисодий, касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг ўқув-дидактик таъминоти иқтисодий ахборотларни таълим мазмунига мослашда ўқув жараёнининг тузилмавий бирлиги сифатида машғулотлар ҳамда ўқув мавзуси технологик хариталарини лойиҳалаш асосида такомиллаштирилган;

курс лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида иқтисодий топшириқларни мантиқий кетма-кетликда бажаришнинг методик тизими ва зарурий компетенцияларни баҳолаш усуллари лойиҳавий қобилият ва ҳаракатларни ривожлантиришга қаратилган муаммонинг ташхис-прогностик функциялари асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

профессионал таълимда ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигини иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш асосида ривожлантиришнинг ташкилий-функционал методик моделили ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

профессионал таълимда ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигини ривожлантиришга қаратилган “Электрон таълим ресурсларини яратиш технологияси” номли ўқув қўлланма, “Иқтисодий жараёнларни лойиҳалашга оид изоҳли луғат” мобил иловаси ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

профессионал таълимда ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигини ривожланганлик даражасини аниқлашга имконини берувчи амалий тестлар, кейслар, компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган муаммоли топшириқлар, касбий компетентликни баҳолаш индикаторлари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий манбалардан олинганлиги, мамлакатимиз ва хорижий илмий журналларида чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсдаги илмий конференция материаллари, илмий-методик таклифларнинг амалиётда татбиқ этилгани; шунингдек тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти профессионал таълимда ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигини иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш асосида ривожлантиришга йўналтирилган тузилма, методика, модел, ўқув-услугий қўлланмалар, электрон таълим ресурслари яратилганлиги, касбга тайёрланаётган бўлажак мутахассисларнинг иқтисодий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, воситалари ва босқичларининг аниқланганлиги, ўқув модуллари мазмунининг

компетенциявий ёндашув ва шахсга йўналтирилган таълим тамойилларига асосланган ҳолда илмий назарий бойитилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти профессионал таълим тизимида касбга тайёрланаётган мутахассисларнинг мустақил тайёргарлигини ривожлантиришда компетенциявий, методологик ва фаолиятли ёндашувлар асосида ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш, интеграллашган интерфаол методлар асосида иқтисодий компетентликни узлуксиз ривожлантириш шунингдек, ўқув ўқув-услубий таъминотини такомиллаштириш ҳамда таълим жараёнини самарали ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Профессионал таълимда ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигини иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш асосида ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигининг иқтисодий жараёнларни лойиҳалашда бўлажак мутахассисларнинг ташаббускорлик, олдиндан кўра билиш, ўз фикрини исботлай олиш, касбий мукамалликка интилиш қобилиятлари ва математик-стратегик тафаккурни ривожлантиришга оид таклифларидан “Иқтисодий жараёнларни лойиҳалашга оид изоҳли луғат” мобил иловасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 16 августдаги 89-05-61-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган дидактик таъминот мобил таълим имкониятларидан самарали фойдаланишда талабаларнинг мустақил тайёргарлигини оширишга хизмат қилган;

лойиҳавий қобилият ва ҳаракатларни ривожлантиришга қаратилган экспоненциал, даражали функцияларни қўллашга ҳамда мақсадга йўналганлик, изчиллик тамойилларига асосланган ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигининг иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш методикаси Қорақалпоғистон Республикаси Бўстон ахборот коммуникациялар техникуми, Кармана хизмат кўрсатиш ва сервис техникуми, Сурхондарё ахборот технологиялари техникумлари таълим жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 16 августдаги 89-05-61-сон маълумотномаси). Мазкур методика профессионал таълим муассасалари ўқувчиларнинг иқтисодий билим ва кўникмаларини ҳамда иқтисодий саводхонликни шакллантиришга хизмат қилган;

профессионал таълим муассасаларида ўқувчиларнинг иқтисодий, касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг ўқув-дидактик таъминоти иқтисодий ахборотларни таълим мазмунига мослашда ўқув жараёнининг тузилмавий бирлиги сифатида машғулотлар ёки ўқув мавзуси технологик хариталарини лойиҳалаш ва уларни визуаллаштиришга оид методик ишланмалар “Электрон таълим ресурсларини яратиш технологияси” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 25 декабрдаги 538-сонли буйруғи, 538-т-047 рақамли нашр рухсатномаси). Натижада ўқувчиларнинг

мустақил тайёргарлигини электрон таълим муҳитида ривожлантириш имкониятлари таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 6 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1 та ўқув қўлланма ва Интеллектуал мулк агентлигидан яратилган дастурий маҳсулот учун 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 126 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети аниқланган, шунингдек, тадқиқот иши фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, тадқиқот ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Профессионал таълимда ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигини иқтисодий жараёнларни лойихалаш асосида ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида профессионал таълимда ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигини ривожлантиришнинг назарий аспекти баён қилинган, педагогик шарт-шароитлари аниқланган, бундан ташқари, профессионал таълимда ўқувчиларнинг иқтисодий фаолият соҳасида касбий компетенцияларини шакллантириш ёритиб берилган.

Маълумки, ўқув жараёнини ташкил этишда қатъий кетма-кетлик, узвийликни мунтазам олиб бориш талаб қилинади. Ўқувчи аудиторияда олган билимини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзунини пухта ўзлаштириш учун ҳар куни мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак. Бугунги ўтиладиган мавзунини яхши тушуниши ва ўзлаштириши учун ўтилганларни ўз қобилияти ва олган билими даражасини янада чуқурлаштиришга интилиши, мустақил такрорлаши, ўрганиши зарур. Чунки маъруза машғулотида ўқувчига йўлланма берилади. Дарс давомида мавзуга тегишли барча саволларни муҳокама қилиб бўлмайдди. Ўқувчи ўқиб ўрганганларини бошқаларга ўргатиши эса бир неча барабар кўп ёдида қолар

экан. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, талабанинг ўзини мустақил тайёрланиб ўқиши фанни ўрганишда, уни асосий мазмунини тушуниш ва ўзлаштиришида, таҳлил қилиши, ўз фикрини ифодалашда муҳим роль ўйнайди. Албатта, бу вақт ўқувчини нормал тарзда диққат-эътибор, ғайрат қилиб ишлашини мўлжаллаган ҳолда белгиланади.

Мустақил таълим–олинган билим кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, қўшимча маълумот ёки материални мустақил ўрганиш мақсадидаги ўқув шаклидир.

Мустақил ишларни бажариш учун вақтни семестр давомида кунлар бўйича тақсимлаш, уни рационал ташкил қилишнинг муҳим тамойили ҳисобланади. Мустақил ишлаш қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Дарс ўтилгандан сўнг бажариладиган ишлар, уй вазифаларини бажаришда дарслик, ўқув қўлланмалари билан ишлаш, конспект тайёрлаш.

2. Намунавий топшириқларни ечиш. Бунда ўқувчи билимларини хотирасида қайта тиклайди ва қисман қайта ўзгартириб, аниқ топшириқларда қўллайди;

3. Ўрганилган билимларни типик бўлмаган шароитда қўллаш. Ўқувчи ўрганган билимларидан янги шароитда фойдаланади;

4. Ижодий фаолиятга асос яратиш. Бунда ўқувчи ўрганилаётган соҳанинг моҳиятига тушунади, унинг янги муносабат, боғланишларини аниқлайди, ғоялар ва тушунчаларни янги шароитга боғлайди.

Барча мустақил ишлар ўқувчиларда ижодий ишлаш кўникмасини ҳосил қилишга қаратилган. Ўқувчи ижодий ишлашга ўргатилмаса, у маълум мавзуга оид материалларни турли манбалардан кўчириб келиш билан кифояланиб қолиши ҳамда ўзи мустақил фикр билдиришга қийналиши мумкин. Мустақил ишларни индивидуал - дидактик мақсадларни амалга ошириш нуқтаи-назаридан ҳам 4 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Билимларни дастлабки шаклланишига, идрок қилишга ундайдиган вазифалар. Бунда ўқувчилар мақсадга эришиши учун нима талаб қилинишини билиши лозим. Вазифалар — ахборотларни, маълумотларни ўзлаштиришга қаратилган бўлади.

2. Ўзлаштиришга ахборот, маълумотларни хотирада сақлаш ва қайта жонлантириш ва қайта ишлашга қаратилган топшириқлар. Бунда, аввал эгалланган билимлаи фаоллаштириш асосида бажариладиган ҳамда аниқ шароитда татбиқ этиш талаб қилинадиган вазифалар.

3. Аввал ўзлаштирилган, қолипга тушган, тажриба тўпланиши натижасидаги билим, малака, кўникмаларга янгича нуқтаи-назардан ёндашишни талаб қилувчи топшириқлар. Уларда масаланинг моҳиятини излаш, янгича ечимлар топиш, янгича ғоя, фикрлар билан ифодалашни талаб этиладиган вазифалар.

4. Ижодий фаолиятга ундовчи топшириқлар. Бунда, янги ёки олдиндан маълум бўлса-да, унғача бошқача нуқтаи назардан қаралган ғоя, фикрларни тадқиқ қилиш, яъни ахборотлар тўплаш, улар устида ишлаш, ўз фикрини билдиришга ундайдиган топшириқлар, вазифалар берилади.

Мустақил ишларнинг ажралмас қисми бу мустақил таълимдир. Ўқувчининг мустақил таълими уларни ўз билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш, мавжуд малака ва кўникмалами такомиллаштириш ҳамда уларнинг янгиларини ўзлаштиришга бўлган интилишидир. Мустақил таълимнинг асосий мақсади ўқувчиларни шахсий ва касбий сифатларини шакллантиришда ўз устида ишлаш устунлигидир. Мустақил таълимнинг асосий методи адабиётлар устида индивидуал ишлашдир. Бу метод ахборотлар оқида энг зарур ахборотни топиш, унга баҳо бериш, ушбу ахборотдан ўзининг касбий фаолиятида фойдаланиш малакасини шакллантиради.

Лойиҳа (лотин тилидан *projectus* – олдинга ташланган) – вақтинча ва ресурсли чекланиш шароитида оламшумул натижаларга эришишга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуаси билан яқин алоқадорликка эга. Бундан келиб чиқиб, лойиҳа – бу вақт бўйича бошланиш ва якунланишга эга ўзига хос фаолият бўлиб, у олдиндан белгиланган натижа, ўзига хос нодир маҳсулот ёки хизматни яратиш, белгиланган ва берилган ресурслар, сифат бўйича талаблар ва бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарни ўзида акс эттиради.

Биз ташкилий педагогик шарт – шароитларни лойиҳалаштиришда ички ва ташқи омилларни ўрганиш асосида уларнинг компонентлари ўзаро алоқадорлигини ва функционал шартланганлигини таъминловчи таълимнинг янгича мазмунига ўқитишдаги янгича ташкилий шаклларга методларга ва воситаларга эга бўлган тизимли ёндашувга таяндик.

Ташкилий педагогик шарт – шароитларни асослашда тизимли ёндашув бизга ўқувчиларнинг мустақил тайёргарликларида иқтисодий жараёнларни режалаштиришда қўл келади. “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” касби бўйича тайёрланаётган мутахассисларда иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш фаолият соҳасида касбий компетенцияси самарали лойиҳавий қарорларни қабул қилиш учун зарурий касбий билимлар, кўникмалар, шахснинг хусусиятини ўзида акс эттириб, касбий хулқ-атворга (махсус, техник фаолият жиҳати) ва шахсий (касбидан юқори, шахсий жиҳат)га оид сифат ва кўникмаларни турли комплекслари сифатида ўз аксини топади.

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” касби бўйича тайёрланаётган мутахассисларда нафақат керакли билимларнинг бўлиши, балки, энг биринчи навбатда, олинган билимлардан касбий фаолиятда фойдаланишга имкон берувчи касбий билимларни қўллаш имконини беради, булар – таҳлилий, лойиҳавий, ахборот, маркетингли, ташкилий-бошқарув ва бошқалар. Иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш фаолияти касбий фаолиятнинг махсус тури сифатида ишлаб чиқилаётган иқтисодий қарорларни ташкил қилиш, режалаштириш, башорат қилиш ва самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ. Лойиҳавий-иқтисодий фаолиятни амалга оширишга тайёрлик тегишли касбий компетенцияларнинг шаклланганлиги билан белгиланиб, у ўз ичига касбий хулқ атвор ва шахсий сифат ва кўникмаларни оладики, улар тайёрликнинг таркибий компонентларида ўз аксини топади.

Муайян касбий соҳадан қатъий назар субъект фаолиятини таъминловчи компетенцияларнинг баъзи умумий турларини ажратиш мақсадга мувофиқ

ҳисобланади. Уларни касблараро компетенциялар (ёки уларнинг турлари) сифатини ифодалаш мумкин. Ушбу маънода юқорида кўрсатилган турларнинг ҳар бири умумий касблараро компетенцияларни назарда тутади:

– махсус компетентлик – бу касбий фаолият соҳасидаги жараёнларни режалаштиришга қодирлик (метафаолият сифатида меҳнат фаолиятини режалаштириш), компьютер билан ишлай олиш, турли техник ҳужжатлар билан ишлашни билиш;

– шахсий компетентлик – бу меҳнат фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича билим ва кўникмаларга эгалик, мустақил равишда қарорлар қабул қилиш (шунингдек, ностандарт вазиятларда), ақлий фаолиятнинг қайишқоқлиги, янги билимларни мустақил ва ташаббускорлик билан эгаллаш;


– индивидуал компетентлик – бу ўзини ўзи мотивация қилиш ва ютуқларни мотивация қилиш, ишдаги сифатга интилиш, оптимизм ва ўзига бўлган ишонч.

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” касби бўйича тайёрланаётган мутахассисларни иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш фаолиятга тайёрлаш таркибида когнитив, мотивацион-кадриятли, конатив ва рефлексив компонентлар ажратилиб, уларни мазмун-моҳият билан тўлдириш муайян касбий фаолият орқали амалга ошириш иқтисодий фаолият соҳасида зарурий компетенцияларнинг шаклланишини таъминлайди.

Диссертациянинг **“Профессионал таълимда ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигини иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш асосида ривожлантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобда профессионал таълимда ўқувчиларнинг лойиҳалаш, тадқиқотчилик, иқтисодий-ҳуқуқий, ахборот-таҳлилий каби махсус иқтисодий компетенцияларини шакллантириш, интеграциялашган интерфаол методлардан фойдаланиб, модулли ўқитишни лойиҳалаштириш орқали иқтисодий компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-функционал модели ишлаб чиқилган ҳамда иқтисодий жараёнларни амалга ошириш методикаси ва ўқувчилар мустақил тайёргарлигини иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш асосида ривожлантириш методикаси келтирилган.

Биз томонимиздан таклиф этилаётган модел (1-расм) ўзаро бир бири билан боғлиқ блоклардан иборат бўлиб, профессионал таълим муассасалари ўқувчиларини иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш фаолиятига тайёргарлиги, уни шакллантиришнинг ижобий натижаларини аниқлаш йўлларини танлашга имкон беради. Моделнинг таркибига концептуал-методологик, мазмунги-технологик ва натижавий баҳолаш (рефлексив) блоклар киритилган.

Мақсад сифатида моделдаги вазифаларни амалга ошириш, бўлажак мутахассисларнинг мустақил тайёргарлигини иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш асосида ривожлантириш ҳисобланади. Концептуал блок биз томонимиздан педагогик моделнинг принципиал асослари, механизмлари билан боғлиқ бўлиб, уни таълим жараёнида амалга ошириш имкониятини шартлайди.



1-расм. Ўқувчиларнинг мустақил тайёргарлигини иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш асосида ривожлантиришнинг методик модели

Моделнинг иккинчи блоки – мазмунли-технологик. Авваламбор, биз мазкур блок компонентларни тасвирлаймиз, педагогик шартлар, касбий фаолият юритишга тайёрликнинг шакл ва усулларни ўз ичига олган бўлиб, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” касби бўйича тайёрланаётган ўқувчиларни иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш фаолиятга тайёрлашнинг “Шакллантирувчи таъсир дастури”ни назарда тутаяди, зеро биринчи блок ва баҳолаш-рефлексив блокдан фарқли равишда у педагогик таъсирнинг мустақил тугалланган шакли (дастур сифатида)ни билдиради. Ишлаб чиқилган моделдаги учинчи блок – натижали баҳолаш (рефлексив) ҳисобланиб, у моделни амалга оширишдан олинган натижа ва мезонли-кўрсаткичли базасини рефлексиялайди. Натижали компонент ишлаб чиқилган моделнинг самарадорлигини ҳамда ўқувчиларни иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш фаолиятга тайёрлигини рефлексиялайди. Бунда ўз ўзидан аёнки, шаклланганлик даража бўйича тўлиқлик ва компонентли таркибни назарда тутаяди.

Ўқувчиларнинг иқтисодий жараёнларни лойиҳалаш фаолиятга тайёргарлигини ривожлантириш модели ўз ичига мақсад, концептуал-методологик, технологик-жараёнли, рефлексив-баҳолаш ва натижа блокларини ўз ичига олиб, уларнинг ҳар бири педагогик тажриба-синов ўтказиш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш имкониятини беради.

Лойиҳалаш мўлжалланган объектларни қуриш ва яратиш учун уларнинг лойиҳаларини тузиш ва чизиш жараёни амалга оширилади. Лойиҳалаш фан ва техниканинг барча соҳаларида қўлланилади. У илмий тадқиқот ишлари, иқтисодий ва техникавий ҳисоб-китоб, смета тузиш, чизмачилик ва чизмаларни кўпайтириш амалларини ўз ичига олади, чизмалар асосида кўпинча объект (бино, машина ва бошқалар)нинг макети тайёрланади. Бирор бир объектни индивидуал (якка тартибда) ва умумий тартибда лойиҳалаш мумкин. Лойиҳалаш махсус ташкилотлар, фирмалар ёки гуруҳлар томонидан амалга оширилади. Булар соҳалар бўйича ёки ихтисослаштирилган тарзда иш юритади. Бирор объектни лойиҳалашда стандартлаштирилган деталлар, агрегатлар, узеллар ва меъёрий ҳужжатлардан кенг фойдаланилади.

Лойиҳалаш лойиҳа топшириғи, лойиҳа ечими ва лойиҳа синови босқичларида амалга оширилади. Лойиҳалаш топшириғида бўлажак объектни қуришнинг шарт-шароитлари ва мақсадга мувофиқлиги асосланади ва унинг тафсилотлари белгиланади. Лойиҳа ечимида бўлажак объектнинг режасидан бошлаб тайёр ҳолигача бўлган ишлар белгилаб олинади. Лойиҳа синовида тайёр лойиҳа махсус тузилган дастур асосида текширилади.

Лойиҳалаш жараёни башорат қилиш каби жараёнларни ўз ичига олади. Прогнозлаш орқали иқтисодий жараёнлар ривожлантирилади. У юнонча сўздан келиб чиққан бўлиб, олдиндан кўра билиш, башорат қилиш каби маъноларни англатиб, келажакни илмий усуллар орқали истикболлаш тушунилади.

Прогноз маълумотларининг бир-бирини тўлдирувчи учта манбаи мавжуд: тадқиқ қилинаётган жараёнларни ривожланиш қонуниятларини

билишга асосланган тўпланган тажриба; аввалги ва ҳозирги ҳолати яхши маълум бўлган мавжуд тенденцияларни ривожланиш қонуниятларининг экстраполяцияси; кутилаётган ёки мўлжалланган шароитларга нисбатан тадқиқ қилинаётган объектларнинг моделларини шакллантириш. Ушбу манбаларга мувофиқ равишда прогнозларни ишлаб чиқишнинг учта бир-бирини тўлдирувчи усуллари (яъни бир турдаги усулларнинг жамланмаси) мавжуд: экспертларнинг бевосита ва билвосита, индивидуал ва жамоавий сўровларига асосланган экспертиза; экстраполяция – объектнинг аввалги ривожланишини ўрганиш ва ушбу ривожланишнинг ўтмишдаги ва ҳозирги кундаги қонуниятларини келажакка кўчириб ўтиш; моделлаштириш – ўзгаришларнинг мавжуд ёки миқёслари ва йўналишлари тўғрисидаги билвосита маълумотлар бўйича кутилаётган ёки исталаётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда объектнинг моделини шакллантириш ва тадқиқ этиш (2-расм).

Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогнозлаш методларини шартли равишда 3 хил муҳим гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Экстраполяция методи;
2. Прогнозлашнинг эксперт баҳолаш методи;
3. Моделлаштириш методи.

Иқтисодий жараён циклик ва такрорий равишда содир бўладиган бир неча босқичлардан ўтади, яъни:

1) Ишлаб чиқариш - бу товар ва хизматларни ишлаб чиқариш босқичидир.


2) Тарқатиш - муомалада товарлар ва хизматлар истеъмолчиларга етиб боради;

3) Истеъмол - бу ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлардан истеъмолчи фойдаланадиган, истеъмол қиладиган босқичидир;

4) Инвестиция - бу ишлаб чиқаришга қайтиш учун капитал ишлаб чиқаришдаги даромадлардан фойдаланиш жараёни. Бунда жамият ўз эҳтиёжларини қондиради ва шунинг учун у ишлаб чиқариш жараёнининг сўнгги босқичи сифатида қаралади.

Муомалада товарлар ва хизматлар истеъмолчиларга етиб боради. Ушбу босқичда товарлар ва хизматлар бозорларга ва унинг ичида ҳаракатланади. Образли равишда айланма - ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги “кўприк” вазифасини бажаради.

Ўқувчилар мустақил ишларининг шакли ва ҳажмини белгилашда қуйидаги ўқиш босқичи, муайян фаннинг ўзига хос хусусияти ва ўзлаштиришдаги қийинчилик даражаси, ўқувчининг қобилияти ҳамда назарий ва амалий тайёргарлик даражаси (таянч билими), фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражаси, ўқувчининг ахборот манбалари билан ишлай олиш даражаси каби жиҳатларни эътиборга олиниши лозим.



2-расм. Прогнозлаш методлари таснифи

Мустақил иш топшириқлари муваффақиятли яқунланиши учун қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:

мақсад (билимни мустаҳкамлаш, янги билимларни ўзлаштириш, ижодий фаолликни ошириш, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш ва бошқалар) аниқ асосланиши;

вазифа ва топшириқларнинг аниқ-равшан белгиланиши, топшириқларни бажариш алгоритми ва методларидан ўқувчиларнинг етарли даражада хабардор бўлиши, маслаҳат ва бошқа ёрдам турларининг тўғри белгиланиши (йўлланма ва кўрсатма бериш, мавзунинг мазмуни ва моҳиятини тушунтириш, муаммоли топшириқларни бажариш усуллари буйича тушунча бериш, айрим муаммоли вазиятларни биргаликда ҳал қилиш ва бошқалар);

ҳисобот шакли ва баҳолаш мезонини аниқ белгилаш;

назорат вақти, шакли ва турларини аниқ белгилаб олиш (амалий семинар, лаборатория машғулоти, маслаҳат учун ёки назорат учун махсус ажратилган вақт, маъруза ёки реферат матни, бажарилган топшириқлар дафтари, назорат ишлари, уй вазифаси дафтари, курс ишлари, тест, мақола, ностандарт топшириқлар, саволлар, мақола, кўргазмали жиҳозлар ва ижодий ишлар);

савол-жавоб, бажарилган иш мазмуни ва моҳиятини тушунтириб бериш, ёзма шаклда баён қилиш ва бошқалар).

Ўқувчилар мустақил ишини шартли равишда иккига ажратиш мумкин:

аудиторияда амалга ошириладиган ўқувчилар мустақил ишлари: ўтилган мавзунини қайта ишлаш, кенгайтириш ва мустаҳкамлашга оид топшириқлар бажарилади;

аудиториядан ташқарида амалга ошириладиган ўқувчилар мустақил ишлари: ўқув дастуридаги айрим мавзуларни мустақил ҳолда ўзлаштириш, уйга берилган вазифаларни бажариш, амалий ва лаборатория ишларига

тайёргарлик кўриб келиш, ижодий ва илмий-тадқиқот тавсифидаги ишлар ва бошқалар.

Ўқувчилар мустақил иши бўйича маслаҳатлар ташкил этиш тартиби:

1. Ўқувчилар мустақил иши бўйича маслаҳатлар дарси аудиториядан ташқарида амалга оширишга мўлжалланган мустақил ишларни бажариш юзасидан тегишли йўлланмалар бериш ва уни бажарилишини назорат қилдиб бориш мақсадида ташкил қилинади. 2. Ўқувчилар мустақил иши бўйича маслаҳат дарси фаннинг тақвим режасига мувофиқ ўтказилади. 3. Маслаҳат дарси тегишли фан ўқитувчиси томонидан ўтказилади. Диссертациянинг **“Педагогик тажриба–синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш”** деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синовни ташкил этиш, ўтказиш ва унинг таҳлилий натижалари келтирилган.

Тажриба-синов иши 2019-2020, 2020-2021 ўқув йилларида Қорақалпоғистон Республикаси Бўстон ахборот коммуникациялар техникуми, Кармана хизмат кўрсатиш ва сервис техникуми ва Сурхондарё ахборот технологиялари техникумларида икки йил давомида олиб борилди. Бунда жами бўлиб 519 нафар ўқувчилар иштирок этди. Улардан тажриба гуруҳида (ТГ) - 257 нафар ўқувчи ва назорат гуруҳида (НГ) - 262 нафар ўқувчи қатнашишди. Олиб борилган тажриба-синов ишлари *тасдиқловчи, шакллантирувчи ва назорат* босқичларидан иборат бўлди. Ҳар бир босқичда амалга ошириладиган педагогик тажриба-синовнинг вазифалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Педагогик тажриба-синовнинг вазифалари

Тасдиқловчи босқич	Шакллантирувчи босқич	Назорат босқичи
